



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАР ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ ВА УЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ ХУСУСИДА

Шохрух Саидмуродов

*Жиззах вилояти педагогик маҳорат маркази
тарих ва ҳуқуқ методисти.*

Аннотация: мақолада Янги Ўзбекистонда Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини янгича асосларда ташкил этиш, улар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асослари яратилиши, солиқ, ишлаб чиқариш имтиёзлари бериш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар баён қилинган. Унда Ҳаракатлар стратегияси, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва Ўзбекистон-2030 стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар ёритилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, Эркин иқтисодий зона, стратегия, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, норматив-ҳуқуқий асос, саноат зона, бизнес, имтиёз, қонун, хўжалик-молиявий фаолият.

Аннотация: в статье изложены меры, предпринимаемые по организации деятельности свободно экономических зон в новом Узбекистане на новой основе, созданию нормативно-правовой базы их деятельности, предоставлению налоговых и производственных льгот. Он охватывает приоритетные направления, определенные в Стратегии действий, Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы и Стратегии Узбекистана-2030.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, Свободная экономическая зона, стратегия, предпринимательство, производство, нормативно-правовая база, промышленная зона, бизнес, льготы, Закон, хозяйственная и финансовая деятельность.

Abstract: The article describes the measures taken to organize the activities of free economic zones in the new Uzbekistan on a new basis, create a regulatory framework for their activities, and provide tax and production benefits. It covers the priority areas defined in the Action Strategy, the Development Strategy of the New Uzbekistan for 2022–2026, and the Strategy of Uzbekistan-2030.

Keywords: New Uzbekistan, Free Economic Zone, strategy, entrepreneurship, production, regulatory framework, industrial zone, business, benefits, Law, economic and financial activities.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсад мамлакатда ишлаб чиқаришни ўстириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, бандлигини таъминлашдан иборат бўлмоқда. Бунда республикада ташкил этилган Эркин иқтисодий зоналар муҳим рол ўйнайди. Кейинги йилларда мазкур ҳудудларда тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этилиб, улар рағбатлантирилиб, янги замонавий технологияларни жорий этишга ва хўжалик-молиявий фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда илк бор Эркин иқтисодий зоналарнинг норматив-ҳуқуқий асослари сифатида 1996 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинлигини қайд этиш зарур. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу қонунда Ўзбекистонда эркин фаолият юритувчи иқтисодий зоналар ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмлари ва улар негизида кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш негизлари асослаб берилган¹.

Янги Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар фаолияти янгича асосларда ташкил этила бошланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017 йил) қарори муҳим рол ўйнади ва унда ушбу соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур ҳудудларда эркин ишлаб чиқариш зоналари ва тадбиркорликни рағбатлантириш, истикболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлар белгилаб берилди. Шунингдек, ЭИЗларда кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш масалалари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топди².

Бу борада, шунингдек, истикболда стратегик тараққиёт режаларига мувофиқ инвестициялар, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича 2 848,50 миллион АҚШ доллари, жумладан, “Асака банк” АТБ бўйича 448,8 миллион АҚШ доллари; Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бўйича 1 618,50 миллион АҚШ доллари; “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бўйича 660,3 миллион АҚШ доллари; “Ўзшаробсаноат” АЖ бўйича 65,4 миллион

¹ O‘zbekiston Respublikasining “Erkin iqtisodiy zonalar to‘g‘risida”gi 220-I-son Qonuni. 1996-yil 25 aprel.

² O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida. 2017-yil 7-fevral’, PF-4947-son. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 31.07.2018-y., 06/18/5483/1594.



АҚШ доллари; “Ўзчармсаноат” уюшмаси бўйича 55,5 миллион АҚШ доллари қийматида ўзлаштириш режалаштирилди³.

Муҳими, Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий база яратилди, уларни ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга эътибор кучайтирилди. Улар фаолиятига кўмаклашадиган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференсиялар берилди бошланди. Натижада 2024 йилгача республикамизнинг 10 та минтақасида 14 та эркин иқтисодий ва кўплаб кичик саноат зоналари ташкил этилиб, ҳозиргача ушбу зоналарда 62 та лойиҳа амалга оширилди, яна 87 та лойиҳа бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) нинг кўпчилиги қисми янги Ўзбекистон даврида ташкил этилди⁴.

Стратегияда мамлакатда фармацевтика соҳасида янги, юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун Ўзбекистон тикланиш тараққиёт жамғармасидан 250 миллион доллар миқдорида кредит ресурслари ажратилиши белгиланди. Умумий қиймати қарийб 400 миллион долларга тенг бўлган 70 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланиб, уларнинг 33 таси жорий йилда ишга туширилади. “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” Эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармони қабул қилиниши билан аввало юртимизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқариш имкониятлари пайдо бўлди.

Бу борада 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилиши, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилма билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм йўналтирилди. Жиззах маҳсус индустриал зонасида 2009 йилдан бошлаб Хитой Халқ Республикаси билан биргаликда қўшма корхона барпо қилинди. Ушбу индустриал парк майдони 80,0 минг кв. м га тенг. 2013 йилда Президент фармони асосида “Жиззах” маҳсус индустриал зонасини шакллантириш муносабати билан Сирдарё индустриал парки унинг филиалига айлантирилди. Мажмуа керамик плиталар, натурал тери ва ундан поябзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. У тўла лойиҳа қувватига эга бўлгач, йилига 100 млн АҚШ доллари миқдорида турли хил маҳсулот ишлаб чиқаради, унинг деярли ярми экспорт қилинади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида эркин иқтисодий ва саноат зоналарига ҳам эътибор қаратилганлиги аҳамиятли. Стратегияда янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва фаолият юритаётганларининг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар назарда тутилди:

кичик саноат зоналари иштирокчиларининг зарурий муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш ҳолатини танқидий ўрганган ҳолда тегишли чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш;

кичик саноат зоналарига уларнинг ихтисослашуви, ҳудуднинг ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш;

кичик саноат зоналари ҳудудида янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини кенгайтириш кабилар белгилаб берилди⁵. Маҳсус иқтисодий зоналарда фаолият юритувчилар мол-мулк солиғидан, ер солиғидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилинади. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янгича асосларда ташкил этиш, уларга солиқ ва бошқа

³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasini o‘rganish va keng jamoatchilik o‘rtasida targ‘ib etishga bag‘ishlangan ilmiy-ommabop qo‘llanma. – Toshkent, 2019. – B. 49.

⁴ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasini o‘rganish va keng jamoatchilik o‘rtasida targ‘ib etishga bag‘ishlangan ilmiy-ommabop qo‘llanma. – Toshkent, 2019. – B. 57.

⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. // Yangi O‘zbekiston. № 22. 1-fevral.

имтиёзларни кафолатлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида “Ўзбекистон-2030 стратегияси” да қатор амалий тавсиялар ва устувор йўналишлар белгилаб берилди. Масалан, Стратегиянинг 48-мақсадида ҳар бир туманда замонавий технологик саноат зоналарини ташкил этиш;

-49-мақсадида барча иқтисодий зоналарда зарур инфратузилмадан (йўл, электр энергияси, сув ва оқова тизими) узлуксиз фойдаланиш имкониятларини яратиш;

- 55-мақсадида эса дунёнинг 50 та нуфузли брендлари билан махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш белгилаб берилган⁶лиги муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти янгича асосларда ташкил этилгани, улар фаолияти учун кенг имкониятлар яратилгани мазкур ҳудудларнинг ривожланишига туртки берди. Муҳими, ушбу тизимнинг норматив-ҳуқуқий асослари яратилиши ва солиқ имтиёзларининг берилиши мамлакатда ишлаб чиқаришнинг янада ўсишига, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга туртки берганлигини тасдиқлади. Айниқса, ушбу масала Ҳаракатлар стратегияси, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва Ўзбекистон-2030 стратегиясида белгилаб берилганлиги унинг самарадорлигидан далолатдир.

Адабиётлар

1. O‘zbekiston Respublikasining “Erkin iqtisodiy zonalar to‘g‘risida”gi 220-I-son Qonuni. 1996-yil 25 aprel.
2. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida. 2017-yil 7-fevral’, ma’lumotlari milliy bazasi, 31.07.2018-y., 06/18/5483/1594.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasini o‘rganish va keng jamoatchilik o‘rtasida targ‘ib etishga bag‘ishlangan ilmiy-ommabop qo‘llanma. – Toshkent, 2019. – B. .
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. // Yangi O‘zbekiston. № 22. 1-fevral.
5. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 12.09.2023-y., 06/23/158/0694-son

⁶ Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 12.09.2023-y., 06/23/158/0694-son